

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси

**ўқитувчиси Ашуров Дилмурод Ахмадалиевичнинг
“ЎХШАТИШЛАР – ЛИНГВОМАДАНИЙ ВОСИТА
СИФАТИДА”**

мавзусидаги

**ИЛМИЙ
МАҚОЛАСИ**

Наманган-2019

Ўхшатишлар миллий дунёқараш, табиат ва жамиятга муносабат, дунёни англашдаги миллий тафаккур, таққослаш маҳорати билан чамбарчас боғлиқдир. Халқ ижодий тафаккури маҳсули сифатида “...халқнинг муайян предмет, белги, ҳаракат-ҳолатга муносабати, ассоциатив фикрлаш тарзи ўхшатишларда намоён бўлади”¹.

Халқ оғзаки ижоди наъмуналарида энг кўп қўлланувчи лингвомаданий бирликлар қаторида ўхшатишлар салмоқли ўрин тутди. Профессор Г.Жуманазарова анъанавий халқ дostonлари тилида энг кўп қўлланадиган бадий тасвир воситаларидан бири ўхшатиш эканлигини таъкидлайди². “Алпомиш” дostonида қўлланган лингвокультурологик бирликлар ичида ўхшатишлар алоҳида аҳамият касб этади. Дostonда қахрамонларнинг ташки ва ички қиёфасини тасвирлаш, уларнинг руҳий ҳолати, характерини очиб бериш, тасвирланган жой, нарса ва ҳодиса ҳақида яна ҳам тўлиқроқ, аниқроқ маълумот бериш, унинг ёрқин белгиларини кўрсатиш мақсадида ҳамда эмоционал таъсирчанликка эришиш учун ўхшатишлардан фойдаланилган. Халқ дostonларининг лисоний-услубий воситаларга, жумладан, ўхшатишларга бойлиги бахшининг кузатувчанлигига, сўз қўллаш маҳоратига, бадий савиясига боғлиқ. Бахшининг ўхшатишлардан моҳирона фойдаланиши дostonнинг бадийлигини ошириб, таъсир доирасини кенгайтиради.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос ўхшатишлари мавжуд. Ўхшатишлар тилнинг лингвомаданий бирлиги сифатида эътироф этилади. Бир халқнинг ўхшатишлари бошқа халқларникига мос келмаслиги мумкин. Бу ҳам бўлса, ҳар бир халқнинг ўз менталитети, диний ва дунёвий қарашлари, географик ўрни, яшаш шароитининг ҳар хиллиги билан боғланади.

Ушбу мақолада “Алпомиш” дostonи вариантларида қўлланган анъанавий ўхшатишлар ҳақида сўз боради.

¹ Худойберганова Д. Матннинг антопоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – Б.94.

² Жуманазарова Г. Халқ дostonларидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтик имкониятлари. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 7.

Анъанавий ўхшатишлар умуммиллий маданиятга хос бўлиб, барча учун тушунарли, таниш бўлган ўхшатишлардир. “Бундай ўхшатишлар ўзининг жозибадорлиги ва кутилмаганлиги билан ўхшатиш эталони – поэтик рамз даражасига кўтарилган”³. Уларда ўхшатиш эталони сифатида ижтимоий турмуш билан боғлиқ бўлган предметлар, ўсимлик, ҳайвон, қуш, осмон жисмлари номлари сермахсул ҳисобланади. Бу эса аجدодларимизнинг табиат билан ҳамоҳанг турмуш кечирганликларини кўрсатади.

Достон матнида учровчи ушбу ўхшатишларни мавзуларига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

Ўсимлик номлари билан боғлиқ ўхшатишлар: *гулдай, олмадайн, заъфарондай, равочдай, сабздай.*

Осмон жисмлари ва табиат ҳодисалари номи билан боғлиқ ўхшатишлар: *ойдай, юлдуздай, Хулкардай, булутдай, қор-ёмғирдай, шамолдай, тумандай, жаладай, дарёдай, чақмоқнинг ўқидек.*

Ҳайвон ва ҳашарот номлари билан боғлиқ ўхшатишлар: *айиқдай, тойдай, қуралайдай, шердай, бўридай, монанди тулки, дилгир қулундай, ёввойи пишакдай, такадай, итдек, саркадай, новвосдай, эгасиз молдай, нордай, эчкидай, кийикдайн, чигирткадай, чаёндайн, қора қуртдай.*

Қуш номлари билан боғлиқ ўхшатишлар: *лочиндай, қушдаё // олғир қушдайн, бургутдаё, шунқордаё, булбулдаё, қарчигаёдаё, қаргадаё, гоздаё.*

Нарса-буюм номи билан боғлиқ ўхшатишлар: *бўздаё, ўтдаё, симдаё, тангадаё, бигиздаё, сувдаё, гавҳар дурдаё, тошдаё, ёйдаё, ўқдаё, тоғдаё.*

Диний тушунчалар номи билан боғлиқ ўхшатишлар: *малакдайн, ҳурдаё, Азройилдаё, Юсуф талъатли.*

Афсонавий номлар билан боғлиқ ўхшатишлар: *Рустам сифатли, айдаҳордаё каби.*

³ Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси: ДД. – Тошкент, 2017. – Б. 22.

Маълумки, ўхшатишдан мақсад “ўхшашлик асосида сўзловчининг мазкур объектга субъектив муносабатини ҳам ифодалашдан иборат бўлади”⁴. Шу жиҳатдан бир хил хусусиятнинг турли хил эталонлар воситасида амалга оширилиши ўхшатишларнинг баҳо семасидан айри тасаввур қилиб бўлмаслигини англатади.

Достон матнларида аёл-қизларга нисбатан қўлланувчи гул билан боғлиқ *гул юз, гул юзли, гулдай юз, баҳорда очилган боғнинг гули, зам билан сарғайди гулдайин дийдор* каби ўхшатишлар талайгина. Г.Жуманазарова гул билан боғлиқ ўхшатишлар анъанавий достонларнинг деярли ҳаммасида учрашини айтиб ўтади⁵. Маълумки, Шарқ дунёсида аёлларга ҳурмат билан қаралган. Достонда ҳам бу анъана сақланиб қолган. Бахши томонидан аёлларга нисбатан бундай ўхшатишларнинг ишлатилиши уларга бўлган кучли эҳтиром, ҳурмат сақланиб қолганлигидан далолат беради. *Гул* билан боғлиқ ўхшатишлар воситасида ўхшатишмишнинг гул каби гўзал, нозик ва нафислиги таъкидланади:

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,

Қувватига ҳамроҳ бўлган қирқинлар,

Элат билан бирга Барчин зулфакдор,

Хафа бўлиб борар гул юзли дилбар. (Фозил Йўлдош ўғли варианты. 56-бет)

Гул – дунё халқларида гўзаллик тимсоли. Ёрнинг гўзаллиги халқларнинг дунёқарашидан келиб чиқиб турли гулларга қиёсланади. Ўзбек маданиятида ёрнинг лаби атиргулнинг очилмаган гунчасига, чехраси наргисга ўхшатилади. “Алпомиш”нинг бир неча ўринларида юзнинг гулга қиёсланиши ёки қаҳрамонга нисбатан тўғридан-тўғри *гул юз* дея мурожаат қилиниши миллат менталитетида гулга нисбатан гўзаллик тушунчасининг ўрнашиб қолганлигини кўрсатади. Бахши бу ўринда баҳорнинг доимо такрорланиб гуллар унда яна очилишидан Барчиннинг руҳий ҳолатини ифодалашда фойдаланган.

⁴ Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий нигоҳ // Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2017. – Б. 171.

⁵ Жуманазарова Г. Халқ достонларидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтик имкониятлари. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 16.

“Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”да гулнинг бир нечта семалари келтирилади: 1. Яшнамоқ, очилмоқ. Бениҳоя чирой очмоқ, гўзаллашмоқ. 2. Нафис, нозик, чиройли, гўзал. 3. Ёш, навқирон; файзли, обод. 4. Жуда яхши, ҳар жиҳатдан маъқул. Иш-хунарга нисбатан. 5. Сўлмоқ, кўнгли эзилмоқ, ғам-аламдан азобланиб, ўзини ўлдирмоқ⁶. “Алпомиш” достони вариантларида унинг турли семалари учрайди. Қуйидаги парчада гул лексемасининг “*нафис, нозик, чиройли, гўзал*” каби маънолари қўлланилган:

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,

Булутлар маст бўлса чалқийди кўллар,

Мушки анбар, ўзи гул юзли дилбар,

Харидоринг сағрингдадир муқаррар. (Фозил Йўлдош ўғли варианты. 321-бет)

Ушбу матнда анъанавий тарзда юзга нисбатан *гул* ўхшатиш эталони сифатида келган. “Алпомиш” достони вариантларида гул билан боғлиқ *гул юзли, гулдай юз, гул юзлим, гул юзим, гул юзли дилбар* каби ўхшатиш кўринишлари учрайди. Шу асосда инсон юзи, қомаги, кўзи, лаби, қоши каби аъзолари маълум ўсимликларга ўхшатилиб, ўхшатиш ёки метафора ҳосил қилинади.

Али Кўкалдош, эшит айтган сўзимни,

Зўрлик билан ўйдинг икки кўзимни,

Саргайтирдинг менинг гулдай юзимни. (Фозил Йўлдош ўғли варианты. 165-бет).

Ушбу парчада гулнинг инсон юзига ўхшатилиши билан бирга, *соғломлик, қувноқлик, бахт* маънолари ифодаланмоқда. Бунда гулнинг “*гўзал*”, “*қизил*” семалари майдонга чиқади.

Бу хилдаги ўхшатишларнинг қўлланилиши инсонларнинг гуллар билан ижтимоий-маиший турмушда гўзаллик тимсоли сифатида жуда яқин муносабатда бўлганлигини кўрсатади:

Сенинг ёринг Кашал юртда юрибди,

⁶ Маҳмудов Н., Худойберганова Д., Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013. – Б.59-60.

Гулдай ёринг, ака, мустар бўлибди. (Эгамберди Олломурад ўғли варианты. 279-бет)

Шу сабабли қизларга гул номларининг исм сифатида танланиши антропонимлар тизимида ҳам *гул* гўзаллик эталони сифатида ўрин эгаллаганлини далиллайди.

“Алпомиш” достонида қўлланган гул билан боғлиқ ўхшатишлар *гул* лексемасининг *чиройли, гўзал, нафис, латофатли* семаларини ифодалайди. Инсоннинг, асосан, юзи ва қомати гулга қиёсланади.

Тайин қилиб қайтди гул юзли дилбар,

Ўйин-кулги билан айтган сўзи бор. (Фозил Йўлдош ўғли варианты. 307-бет)

Инсон тана аъзоларидан қўлга нисбатан ҳам гул сўзини қўллаш ҳоллари учраб туради. Халқ орасида қўлидан барча ишлар келадиган, хунарманд одамларга нисбатан “*қўли гул*” ибораси қўлланилади. Бу ўринда *гул* чиройли маъносида эмас, балки “барча ишларни чиройли бажариш”, “моҳирлик”ка нисбатан ишлатилади.

Достоннинг Фозил Йўлдош ўғли ва Эгамберди Олломурад ўғли вариантларида инсоннинг танасини гулга қиёслаш ўринлари кўп учрайди:

Сўз айтар сизларга мендайин санам,

Қалмоқда қолмасин гулдайин танам.” (Фозил Йўлдош ўғли варианты. 99-бет).

Қоражон, эшитгин айтган ноламди,

Аламман ўртадим гулдай танамди. (Эгамберди Олломурад ўғли варианты. 369-бет).

Мазкур парчаларда *гул* лексемасининг “*ёшлик*”, “*гўзаллик*” семалари ўхшатиш учун восита бўлмоқда.

Асли ўзим добонбийлик тўраман,

Гул энамни қандай бунга бераман,

Гул энамни Ултонтозга берган сўнг,

Не бет билан Қўнғирот элда юраман?! (Фозил Йўлдош ўғли варианты. 405-бет).

Ушбу ўринда *гул энамни* бирикмаси орқали *гул* лексемасининг “*ёш*”, “*навқирон*”, “*файзли*”, “*чиройли*” семалари ифодаланган бўлса, куйидаги мисрада эса “*ёш*”, “*тажрибасизлик*” семалари намоён бўлади:

Сен ҳам бундан тўйхонага борасан,

Тўйда юриб Барчинойни кўрасан,

Менинг сўзим унга маълум қиласан,

Барчин гулга насиҳатни берасан. (Фозил Йўлдош ўғли варианты. 409-бет).

Инсон юзини гулга қиёслаш эркак ва аёллар учун меъерий ҳисобланса, коматни гулга менгзаш аёл ва ёш болаларга нисбатан кузатилади.

Очилганди қандай богди гулисан,

Бировнинг, қарасам, жону дилисан,

Қайси юртда, қайси шоҳнинг улсан,

Гайратли ёш ўғлон, сизга йўл бўлсин? (Бекмурод Жўрабой ўғли варианты. 44-бет)

Қизил гулимдан айрилдим,

Жон қўзимдан айрилдим. (Эгамберди Олломурад ўғли варианты. 370-бет).

Хазон бўлиб, тар очилган гулим бор,

Пайдо бўлган сагир, Ёдгор улим бор. (Фозил Йўлдош ўғли варианты. 281-бет).

Ушбу парчаларда фарзандларни гулга қиёсланиши кузатилади. Мазкур ўхшатишлар бошқа ўхшатишлар билан ассоциатив алоқага эга. Шарқ халқларида дунёнинг боғ/чаманга, оиланинг дарахтга, фарзанднинг гул/мевага, неваранинг мағизга ўхшатилиши кенг кузатилади. Бундай ўхшатишлар асосида яқинлик, меҳрибонлик муносабатлари ифодаланади. Жумладан, Сурхайил кампир Алпомиш Қалмоқшоҳни енгиб ўзини ҳам маҳв этажагини билиб унга яқинлигини сездириш учун куйидаги сўзларни айтади:

Богда очилган гулим келди,

Қафасда булбулим келди. (Эгамберди Олломурад ўғли варианты. 415-бет).

Бунда сўзловчи Алпомишга нисбатан гул, булбул ўхшатишини қўллаш орқали унга яқинлигини англатиш, қаҳр-ғазабдан қочиш каби прагматик мақсадларни ифодаламоқда.

Ёки: *Очилганда тоза боғнинг гулиман,*

Муҳаммадга уммат, ҳақнинг қулиман,

Отимни сўрасанг, дерлар Ҳакимбек,

Қўнғирот элда Бойбўрининг улиман. (Эгамберди Олломурад ўғли варианты. 363-бет). Мазкур мисраларда “тоза боғнинг гули” *катта сулоланинг давомчиси* маъносида қўлланган. Халқ қарашларида ўтган боболари билан ғурурланиш, уларни эътироф этиш кенг тарқалган бўлиб, бахши шу жараёни ҳам дoston байтларига сингдиришга ҳаракат қилмоқда.

Жисмоний ва руҳий ҳолатдаги салбий ўзгаришларни ҳам ўхшатиш орқали таъсирчан ифодалаш бадиий матнда кенг кузатилади. Масалан:

Эна, эшит, менинг айтган сўзимни,

Заъфарондай сўлдирмагин юзимни. (Фозил Йўлдош ўғли варианты. 53-бет).

Ушбу парчада эса заъфарон ўсимлигидаги “сарик” ранги асосида “касаллик”, “бахтсизлик” маънолари ифодаланмоқда.

Ғам билан сарғаяр гулдайн дийдор. (Фозил Йўлдош ўғли варианты. 166-бет).

Ушбу мисрада ғам – сарғаймоқ; гул – дийдор сўзлари бир-бирини эслатган ҳолда жуфтликлар ўзаро зидланади.

Халқ орасида қизлар исмига *гул* сўзини эркалаш қўшимчаси сифатида қўшиб айтиш ҳолатлари учрайди, дostonнинг Фозил Йўлдош ўғли ва Эгамберди Олломурад ўғли вариантларида шундай ҳолатни кўриш мумкин:

Ўн тўрт ботмон ёйни олиб келади,

Шу замон Барчингул келиб қолади. (Фозил Йўлдош ўғли варианты. 462-бет).

Барчин чодирнинг оззига чиқиб қараса, Бойсарининг олдида тўқсон полвон турибди. Полвонларга қараб, Барчингул бир сўз деди. (Эгамберди Олломурад ўғли варианты. 264-бет).

Гул билан боғлиқ ўхшатишлар деярли ҳар бир халқда учрайди, шунинг учун гул ўхшатиш эталони сифатида универсал характерга эга. Бадий адабиётда ҳам гуллар табиий хусусиятлари билан ёрнинг турли табиий ва инсоний фазилатларини тасвирлаш учун асос вазифасини бажарган. Жумладан, *лола* гўзаллик ва назокат рамзи бўлиши билан бирга бошқа нозик маъноларни ҳам ифодалайди:

Ел гарчи лоланинг тожсини учиради, аммо тоғ қоялари камарига қандай таъсир қила олади? (“Маҳбуб ул қулуб”, 18-танбих)

Ҳазрат Навоий ушбу ўринда *лола* образи орқали дунё ташвишларидан тез тушкунликка тушувчи инсонларни назарда тутган.

Олмадайин сўлган гулдай тарзим бор,

Тойчихоним, сенга айтар арзим бор. (Фозил Йўлдош ўғли варианты. 96-бет).

Қувноқ ва соғлом одам юзининг қирмизи олмага ўхшатилиши бевосита унга симметрик ҳолатни юзага келтиради, ғам-алам чеккан одамнинг юзи дostonда (Фозил Йўлдош ўғли вариантыда) сўлган олма ва гулга ўхшатилади. Бошқа мисрада эса бахши олма ва гулни қарама-қарши қўяди:

Сен эшитгин менинг айтган сўзимни,

Олмадай сўлдирма гулдай юзимни. (Фозил Йўлдош ўғли варианты, 426-бет)

“Алпомиш” дostonининг Фозил Йўлдош ўғли ва Эгамберди Олломурад ўғли вариантларида *ойдай* ўхшатиш эталони кўп қўлланган. Бу эталоннинг семантик ва лингвокультурологик жиҳатдан таҳлили манбаларда батафсил амалга оширилган⁷. Уларда *ойдек* сўзининг ўзбек тилида “*чиройли, гўзал*”, “*порламоқ, балқмоқ*”, “*тўлмоқ, янада гўзаллашмоқ*”, “*равшан, аён, маълум, шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада аниқ билинган*” маънолари рус

⁷ Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий нигоҳ // Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2017. – 174-б.; Маҳмудов Н., Худойберганова Д., Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – Б.151-152.

лингвомаданиятида акс этмаслиги кўрсатилади. Дарҳақиқат, рус халқи яшайдиган ўлкаларнинг нисбатан совуқлиги, қишнинг узоқ, ёзнинг қисқа давом этиши, осмоннинг одатда булутли бўлиши каби табиий шароитлар оёга “совуқ”, “замгин” каби салбий баҳолар бирикишига сабаб бўлган деб ҳисоблаймиз.

“Алпомиш” достони вариантларида оё қуйидаги маъноларни ифодалаш учун ишлатилган:

1. Оё – жамол:

Барчин турур хурдай бўлиб,

Тиши гавҳар дурдай бўлиб,

Жамоллари ойдаи бўлиб... (Фозил Йўлдош ўғли варианты. 93-бет).

2. Оё – эркалаш шакли (аёлларга нисбатан):

Ой Барчиной отасининг қўлида,

Ким ҳам бўлсанг, баён бергин ўзингни? (Эгамберди Олломурад ўғли вариант. 298-бет).

3. Оё – ажралиб туриш:

Эр Қайқубод подшо бўп шундай қаради,

Ойдаи Товка қабул қилмай туради. (Фозил Йўлдош ўғли варианты. 354-бет).

Бу ўринда “ажралиб туриши” семаси илдизларига эътибор бериш муҳим. Ҳадиси шарифда шундай келтирилади: Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтибдилар: «Мўминларнинг дастлабки гуруҳи юзлари тўлин оё монанд балқиган ҳолда жаннатга кириб келадилар, уларнинг босган изларидан энг ёруғ юлдуз шуъласи каби бир шуъла таралиб туради. Барчалари яқдил, ораларида ўзаро ихтилоф ҳам, нафрат ҳам йўқ...»⁸. Шунингдек, бошқа манбаларда Муҳаммад С.А.В.нинг бошқа пайғамбарлардан фарқи оё билан юлдузларнинг фарқидек эканлиги, олимнинг обидлардан фарқи ҳам шу ҳолда эканлиги айтилади. Халқ ижоди манбаларида, таъбирномаларда оё ва юлдузларни тушда кўриш Пайғамбар

⁸ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳих. 2-жилд. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – 277-б.

назарига мушарраф бўлишни, раҳмоний туш эканлигини билдиради (Масалан, “Кунтуғмиш” достонида Кунтуғмиш ва Холбеканинг туши). Шуни ҳисобга олсак, ўзбек маданиятида юзнинг ойга ўхшатилиши, биринчидан, унинг бошқа юзлардан фарқини билдириш бўлса, иккинчидан, яширин ҳолатда илохий файз, барака, маъсумликни ҳам билдиради.

Отлар боради арқираб,

Бошда қалқонлар қалтираб,

Ўнгу чапга ўтар юзиб,

Оққан юлдуздай йилтираб. (Бекмурод Жўрабой ўғли варианты. 164-бет)

Осмонда юлдузнинг учиши парчада отларнинг майдонни тезлик билан кесиб ўтишига қиёсланапти. Шу билан бирга, уларга нисбатан хайрихоҳ кайфиятда эканлиги сезилмоқда.

Ўхшатишларни қўллашда ўзбеклар эталон сифатида турли ҳайвон ва жониворларни билдирувчи сўзлардан кўпроқ фойдаланишади. Чунки инсоният тарихи, маданиятида жонли табиат асосий ўрин тутган. Масалан: *шердай, айиқдай, лочиндай, бургутдай* каби. Одамларнинг тасаввурида шер ҳайвонлар шоҳи, айиқ бесўнақай, бақувват, лочин кўзи ўткир, тутганини қўйиб юбормайдиган, бургут эса мағрур куш сифатида гавдаланади. “Бу ўхшатишлар халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун умуммиллий аҳамият касб этади”.⁹

Ўзбек халқ дostonчилигининг гултожи ҳисобланган “Алпомиш” дostonи материалларини текшириш жараёнида ўхшатишлардан унумли фойдаланилганлиги кўзга ташланади. Дostonда қўлланган ўхшатишлардан кўзда тутилган асосий мақсад қаҳрамонларнинг ташқи, ички қиёфасини тасвирлаш, уларнинг руҳий ҳолати, характерини очиб бериш, унда тасвирланган жой, нарса-ҳодиса ҳақида яна ҳам тўлиқроқ маълумот бериш, нарса ва ҳодисанинг ёрқин белгиларини кўрсатиш, дostonнинг бадийлигини оширишдир.

⁹ Жуманазарова Г. Халқ дostonларидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтик имкониятлари. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 17.

Адабиётлар:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳиҳ. 2-жилд. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1997.
2. Жуманазарова Г. Халқ дostonларидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтик имкониятлари. – Тошкент: Фан, 2011.
3. Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси: ДД. – Тошкент, 2017.
4. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий нигоҳ // Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2017.
5. Маҳмудов Н., Худойбергaнoвa Д., Ўзбек тили ўхшатишларининг изохли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013.
6. Худойбергaнoвa Д. Матннинг антопоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013.